

Бомдод ва шом намозларидан сўнг ўқиладиган дуо



11:32 / 22.11.2025 1667

إِذَا مَلَ سَوَّهَ يَلَعُ هَلْ لَ إِصْرَهُ هَلْ لَ إِبْنَانَا كَ: لَاقُ هُنَّ عُهُلُ لَ إِضْرَهُ هَلْ لَ إِدْبَعُ نَع
كَ يَرْشُ الْهُدُوحُ وَهُلْ لَ إِهْلُ الْهَلْ دُمُحْلُ أَوْ هَلْ لَ كُتْمُ لَ إِسْمُ أَوْ أَنْ يَسْمُ أ: لَاقُ يَسْمُ أ
هَدَهُ فِي فِ امْرِي خَ كُتْمُ لَ إِسْمُ أ: رِي دَقِي عَيْ شُ لُ كَ يَلَعُ وَهُوَ دُمُحْلُ الْهَلْ وَ كُتْمُ لَ الْهَلْ هَلْ
دُوعُ أ: بَر، أَدَعُ بَ امْرِي وَهَلْ لَ إِهْدَهُ فِي فِ امْرِي نَمَ كَبُ دُوعُ أَوْ، أَدَعُ بَ امْرِي وَهَلْ لَ إِهْلُ
إِذْ إِوْ رُبَّ قُلُ لَ إِفِي بَ إِدْعُ وَرَّانَ لَ إِفِي بَ إِدْعُ نَمَ كَبُ دُوعُ أ: بَر، رُبَّ كُ لَ إِوْ سَ وَ لَ كُ لَ نَمَ كَبُ
يُ رَاحُ بُلُ لَ إِهْلُ هَلْ لَ إِوْ رُ هَلْ لَ كُتْمُ لَ إِحْبُ صَ أَوْ أَنْ حَبُ صَ أ: أَضْيَ أ كُ لَ دَلَّاقُ حَبُ صَ أ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон кеч кирса,
«Амсайна ва амсал мулку лиллаҳи, вал ҳамду лиллаҳи, лаа илааҳа
илаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд ва**

ҳува аълаа кулли шайин қодийр. Робби асълука хойра маа фии ҳазиҳил-лайлати ва хойра маа баъдаҳаа ва аъзуз бика мин шарри маа фии ҳазиҳил лайлати ва шарри маа баъдаҳаа. Робби аъзуз бика минал касали ва суъил кибари. Робби аъзуз бика мин азабин фин-нари ва азабин фил қабри», дер эдилар.

Қачон субҳ бўлса, «Асбаҳна ва асбаҳал мулку лиллаҳи» деб, худди шуни айтар эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Дуонинг маъноси: «Кунни кеч қилдик ва мулк ҳам Аллоҳники бўлиб, кечга кирди. Ҳамд Аллоҳга бўлсин! Аллоҳдан ўзга (ибодатга лойиқ) илоҳ йўқ. Унинг Ўзи ёлғиздир. Унинг шериги йўқ. Мулк уники ва ҳамд Уники ва У ҳар бир нарсага қодирдир. Роббим, Сендан ушбу тундаги нарсаларнинг яхшилигини ва ундан кейинги нарсанинг яхшилигини сўрайман. Сендан ушбу тундаги нарсанинг ёмонлигидан ва ундан кейинги нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Роббим, Сендан дангасалиқдан ва кибрнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Роббим! Сендан дўзахдаги азобдан ва қабрдаги азобдан паноҳ сўрайман».

«Тонг оттирдик ва мулк ҳам Аллоҳники бўлиб, тонгга кирди. Ҳамд Аллоҳга бўлсин! Аллоҳдан ўзга (ибодатга лойиқ) илоҳ йўқ. Унинг Ўзи ёлғиздир. Унинг шериги йўқ. Мулк Уники ва ҳамд Уники ва У ҳар бир нарсага қодирдир. Роббим, Сендан ушбу кундаги нарсаларнинг яхшилигини ва ундан кейинги нарсанинг яхшилигини сўрайман. Сендан ушбу кундаги нарсанинг ёмонлигидан ва ундан кейинги нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Роббим, Сендан дангасалиқдан ва кибрнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Роббим! Сендан дўзахдаги азобдан ва қабрдаги азобдан паноҳ сўрайман».

Ушбу ривоятда келган дуони яхшилаб ёд олиб, эрталаб ва кечқурун бўлганда, аниқроғи, Бомдод ва Шом намозларидан кейин доимий равишда ўқиб юришга одатланиш лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.